

САИДОВ Сарвар Атабулло ўғли

Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази

Илмий тадқиқот бўлими бошлиғи

E-mail: sarvarsaid@bk.ru

“ТАРИХИ ГАРДИЗИЙ” АСАРИНИНГ МАНБАШУНОСЛИК ТАДҚИҚИ

ИСТОЧНИКОВЕДЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ “ТАРИХИ ГАРДИЗИ”

SOURCE STUDY OF THE WORK “TARIHI GARDIZI”

Аннотация: Ушбу мақола XI аср ислом илм-фанининг машҳур намояндаларидан бири, тарихчи, географ олим Абу Саид Абдулхай ибн Заҳҳок ибн Маҳмуд Гардизийнинг “Тарихи Гардизий” асарининг манбашунослик тадқиқига бағишланган. Мазкур асар исломдан олдинги давр ва ислом тарихи борасида ёзилган қимматли манбалардан бири ҳисобланади. Унда ислом оламидаги машҳур шахслар, ҳукмдорларнинг фаолияти, ижтимоий-сиёсий воқеалар борасида кўплаб ноёб маълумотлар қайд этилган бўлиб, мақолада ушбу маълумотлар қиёсий жиҳатдан очиб берилган.

Калим сўзлар: “Тарихи Гардизий”, “Зайнул ахбор”, ислом тарихи, Мовароуннаҳр, Хуросон, Ғазнавийлар.

Аннотация: Данная статья посвящена источниковедческому исследованию “Тарихи Гардизи” одного из выдающихся деятелей исламской науки XI века, историка, географа Абу Саида Абдулхая ибн Захока ибн Махмуда Гардизи. Данный труд является одним из ценных источников по доисламскому периоду и истории ислама. В нем зафиксировано много уникальных сведений о выдающихся личностях исламского мира, деятельности правителей, общественно-политических событиях и в статье эти сведения раскрыты сравнительно.

Ключевые слова. «Тарихи Гардизи», «Зайнул Ахбар», история ислама, Мавераннахр, Хорасан, Ғазневидов.

Abstract: This article is devoted to the source study of the work “Tarihi Gardizi” by one of the famous representatives of Islamic science of the 11th century, historian, geographer Abu Said Abdulhay ibn Zahhok

ibn Mahmud Gardizi. This work is one of the valuable sources written about the pre-Islamic period and the history of Islam. The work contains a lot of unique information about famous people of the Islamic world, the activities of rulers, socio-political events, and in the article this information is disclosed in a comparative form.

Keywords: “Tarihi Gardizi”, “Zaynul Akhbar”, history of Islam, Maverannahr, Khorasan, Ghaznavids.

КИРИШ

Бугунги кунда жаҳондаги исломшуносликка ихтисослашган илмий-тадқиқот марказларида ислом тарихи бўйича ёзилган тарихий манбаларни тадқиқ этиш ва уларни илмий муомалага киритиш борасида самарали тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Янгиланаётган Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар мусулмон алломаларининг илмий-маънавий меросини ўрганиш ҳамда уни жамоатчиликка етказишда кенг имкониятларни яратмоқда. Зеро, ушбу маънавий мероснинг асосини ташкил этувчи тарихий манбалар ислом тарихида содир бўлган муҳим ҳодисалар, ҳукмдор ва давлат арбобларининг сиёсий фаолияти борасида гувоҳлик берувчи бирламчи асарлар ҳисобланади.

Мана шундай манбалардан бири XI асрда ҳозирги Афғонистоннинг Гардиз деган жойида туғилган олим ва географ Абдулхай Заҳҳок Гардизийнинг “Тарихи Гардизий” (تاریخ گردیزی) асаридир. “Тарихи Гардизий” муаллифнинг бизгача сақланиб қолган ягона асари бўлиб, манбаларда унинг яна бошқа асарлари борлиги тўғрисида бирор маълумот учрамайди. Ушбу асарнинг асл номи “Зайнул ахбор” (زین الأخبار – Хабарлар зийнати) бўлиб, илмий доирада муаллиф номига нисбат берилган “Тарихи Гардизий” номи машҳурдир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Абдулхай Заҳҳок Гардизий афғонистонлик замонавий олим Абдулхай Ҳабибийнинг маълумотларига кўра, 400/1008-1009 йиллар оралиғида туғилган. У болалигидан Ғазнавийлар султони Маҳмуд Ғазнавий саройига хизматга жалб қилинган. Кейинчалик эса султоннинг Ҳиндистон, Ироқ ва Хоразмга уюштирган сафарларида унга ҳамроҳлик қилган. Маълумотларга кўра, Гардизий Ғазнавийлар

саройида расмий давлат тарихчиси сифатида фаолият олиб борган [3:5].

Унинг “Тарихи Гардизий” асари милодий XI аср ўрталарида, 1050-1052 йиллар оралиғида Ғазнавийлар амири Абу Мансур Абдуллаҳид ибн Маҳмуд (1049-1052) шарафига ёзилган. Китобнинг “Зайнул ахбор” номи билан аталишига Абу Мансур Абдуллаҳид ибн Маҳмуднинг “Зайнул милла” (زين الملّة) деган номи асос бўлиб хизмат қилган. Асар матнидан маълум бўладики, Гардизий комусий олим Абу Райҳон Берунийнинг (973-1048 й.) замондоши бўлиб, улар ўзаро дўстона муносабатда бўлганлар. Жумладан, муаллиф асарда ҳиндларнинг насл-насаби, эътиқодлари ва урф-одатлари тўғрисидаги маълумотларни Берунийнинг “Таҳқиқ ма ли-л-Ҳинд мин маъкула макбула фи-л-ақл ав марзула” (تحقيق ما للهند من مقولة مقبولة في العقل أو مردولة – Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби) дан олганлигини зикр этиб ўтиши ҳам икки олимнинг илмий ҳамкорликда бўлганлигига далил бўла олади [2:94].

“Тарихи Гардизий” ўзига хос илмий асар бўлиб, муаллифни кўпроқ тарих ва этнология масалалари қизиқтиради. Гардизий асарда замин ва замоннинг яратилиши, пайғамбарлар, дунё ҳукмдорлари тарихи, ислом халифалари, Хуросон амирлари, турли миллат ҳамда элатларнинг байрам ва маросимлари, мусулмонлар, ҳиндлар ва яҳудийларнинг насл-насаби тўғрисида қисқача, аммо фойдали маълумотлар беради [5:23].

Аммо асарнинг энг муҳим жиҳати шундан иборатки, унда Хуросон тарихи ҳақида ҳар жиҳатдан батафсил маълумот беришга ҳаракат қилинган. Асарда Хуросон тарихини ёритишга асосий этибор қаратилишига сабаб, биринчидан, Хуросонда Ғазнавийлар давлатининг барпо этилганлиги бўлса, иккинчидан, муаллифнинг она ватани ҳам Хуросон ҳудудларига тўғри келади. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, асар Хуросон тарихини ўрганишни хоҳловчилар учун бирламчи манба бўлиб хизмат қилади [3:4].

Гардизий ўз китобини ёзишда турли фан соҳаларининг ўтмиш ва ўз даври олимлари, жумладан, Абдуллоҳ ибн Муқаффа (724-759 й.), Абу Зайд Аҳмад ибн Саҳлий Балхий (850-934 й.), Ибн Хурдодбех (820-913 й.), Ибн Руста (ваф. 290/903 й.), Сомонийлар вазири Абу

Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад Жайҳоний (ваф. 329/941 й.), Абу Райҳон Беруний ва бошқаларнинг асарларидан кенг фойдаланган. Жумладан, асарнинг форслар тарихига оид қисмини ёзишда VIII асрда яшаган аллома, котиб ва таржимон Абдуллоҳ ибн Муқаффа томонидан араб тилига таржима қилинган форс давлатчилиги тарихига доир “Худойнома” (خداي نامه), “Китоб ат-тож” (كتاب التاج), “Ойиннома” (آيين نامه), “Китоб Тансар” (كتاب تنسر) каби асарлардан самарали фойдаланади [3:7].

Асарни ёзишда кўплаб муаллифларнинг асарларидан фойдаланишнинг аҳамияти шундан иборатки, китобхон битта китобни мутолаа қилиш орқали бир нечта манбаларда келтирилган маълумотлар билан танишиш имкониятига эга бўлади. “Тарихи Гардизий” асарида ҳам айтилиши шундай. Шунингдек, ушбу асар бугунги кунимизга қадар етиб келмаган бир қатор асарлардаги маълумотларнинг замонамизга қадар етиб келишига хизмат қилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Жумладан, асар бизгача етиб келмаган Абулҳусайн ибн Аҳмад Силлабийнинг “Тарих фий ахбор вулот Хуросон” (تاريخ في ولاة خراسان) асарининг мазмун-мундарижаси сақланиб қолишига хизмат қилган [1:109].

Аммо афсуски, “Тарихи Гардизий” китобининг ўзи ҳам тарихнинг суронли босқичларидан, кундалик ҳаётдаги тартибсизликлардан четда қолмаган. Ушбу китобнинг бизнинг кунларимизгача етиб келган ҳамда Буюк Британиянинг Кембриж ва Оксфорд кутубхоналарида сақланаётган ва тадқиқотчилар томонидан қўлланилаётган иккала қўлёзмаси XVII аср охири ва XVIII аср охирларига тегишлидир. Ушбу қўлёзмаларда китобнинг боши ва охири, шунингдек, ички бобларнинг баъзи қисмлари йўқолган.

“Тарихи Гардизий” тарих ва халқ донишмандлиги манбаи сифатида олимларнинг доимий эътиборида бўлиб, у мунтазам равишда тўлиқ шаклда ёки қисман бошқа тилларга таржима қилинган ҳолда нашр этилган. Жумладан, 1928 йилда ҳинд олими Муҳаммад Нозим китобнинг Тоҳирийлар, Саффорийлар, Сомонийлар ва Ғазнавийларга оид қисмларини Берлинда нашр эттирди. 1937 йилда аллома Муҳаммад Қазвиний ҳам китобнинг ушбу қисмини Техронда илмий изоҳлар билан бирга нашр эттирган. Саид Нафисий 1954 йилда

асарнинг Сосонийлар ҳукмронлиги давридан то “Ахбор Мулук Хуросон” номли бобнинг охиригача алоҳида китоб ҳолида Техронда нашр эттирган [5:24].

1968 йилда афғон олими Абдулхай Ҳабибий “Тарихи Гардизий”нинг юқорида зикр қилинган икки қўлёзмаси асосида илмий-танқидий нашрини чоп эттирди. 1965 йилда эса эронлик тадқиқотчи доктор Раҳим Ризозода Малик “Тарихи Гардизий”нинг янги нашрини чоп этди, бу Гардизий асарининг энг тўлиқ ва тўғри наشري сифатида эътироф этилади. Айтиш жоизки, Раҳим Ризозода нашрининг манбаси ҳам асарнинг бизга маълум бўлган икки қўлёзмаси ҳисобланади. Лекин Раҳим Ризозода асарнинг Ҳабибий томонидан нашр этилган нусхасидаги айрим хатоларни бартараф этибгина қолмай, китобнинг мавжуд матнини ўрганиб, боблар тартибини ўзгартирди [3:6].

Жумладан, Абдулхай Ҳабибий нашр этган матн Ажам подшоҳларининг биринчи табақаси – Пешдодийлар билан бошланади, сўнгра Каёнийлар, Сосонийлар ва бошқа сулолалар ҳукмронлиги даврида содир бўлган воқеалар келтирилади. Ундан кейин Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳамда ҳулафои рошидуннинг ҳаёти ва фаолияти ёритилган “Ислом халифалари ва ҳукмдорлари тарихи” деб номланган олтинчи боб бошланади. Ҳабибийнинг наشري ҳиндлар тўғрисида маълумотлар берилган ўн тўққизинчи боб билан тугайди [4:105].

Раҳим Ризозода Малик томонидан тайёрланган нашрда эса китоб боблари куйидаги тарзда келтирилган:

Биринчи боб: Замон ва маконнинг яратилиши ҳақида;

Иккинчи боб: Авлиёлар насл-насаби ҳақида;

Учинчи боб: Пайғамбарлар тарихи ҳақида;

Тўртинчи боб: Калдоний подшоҳлари тарихи келтирилган жадвал;

Бешинчи боб: Калдоний подшоҳлари тарихи;

Олтинчи боб: Ажам подшоҳлари тарихи келтирилган жадвал;

Еттинчи боб: Ажам подшоҳлари тарихи.

Ушбу нашр йигирма тўққизинчи – Зангиларнинг насл-насаби ҳақидаги боб билан ниҳоясига етади.

“Тарихи Гардизий” асари Раҳим Ризозода Малик наشري асосида 2014 йилда

тоҷикистонлик олим Қодири Рустам томонидан кирилл алифбосига табдил қилинган. Бу жараёнда асарнинг Абдулхай Ҳабибий томонидан тайёрланган наشريга ҳам қисман таянилган.

ХУЛОСА

Абдулхай Заҳҳок Гардизийнинг “Тарихи Гардизий” асарини манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш орқали куйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, ушбу асар нафақат Эрон ва ислом тарихига доир муҳим манба, шунингдек дунё халқларининг урф-одатлари ва насл-насаби борасида муҳим этнографик ва этнологик маълумотлар берувчи асарлардан ҳисобланади;

Иккинчидан, муаллиф ўз асарини ёзишда ўз давригача бўлган кўп сонли манбалардан фойдаланганлиги унинг тарихий аҳамиятини янада ошишига хизмат қилади;

Учинчидан, “Тарихи Гардизий” асари юртимизда манбашунослик нуқтаи назаридан кам ўрганилган асарлардан бўлиб, уни кенг қўламда тадқиқ этиш Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихи бўйича янгидан янги маълумотлар олишга хизмат қилади.

Умуман айтганда, “Тарихи Гардизий” асари инсониятнинг яратилишидан Ғазнавийлар даврига қадар бўлган тарихий жараёнларни ёритишда муҳим аҳамият касб этиб, манба бўйича диссертациялар, илмий тадқиқотлар олиб бориш Ислом тарихи ва манбашунослиги бўйича олиб борилаётган изланишлар ривожига хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Martinez A.P. Gardizi's Two Chapters on the Turks. 1982. T. II. P. 109-217.
2. Абу Райҳон Беруний. Таҳқиқ ма ли-л-Ҳинд мин маъқула мақбула фи-л-ақл ав марзула” (“Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби”). – Байрут: Олам ал-кутуб, 1983. –537 б.
3. Абу Саид Абдулҳасан ибн Заҳҳок ибн Маҳмуд Гардизий. Зайнул ахбор. – Душанбе: Бухоро, 2014.– 416 б.
4. Абу Саид Абдулҳасан ибн Заҳҳок ибн Маҳмуд Гардизий. Тарихи Гардизий – Техрон: Дунёи китоб, 1944. – 733 б.
5. Бартольд В.В. Извлечение из сочинения Гардизи “Зайн ал-ахбар”: Приложение к “Отчету о поездке в Среднюю Азию с научною целью. 1893-1894 г” // Бартольд В.В. Сочинения. М., 1973. Т. VIII. С. 23-62.